

Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-март ойларида Навоий вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 6784,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 % га ўсди.

2019 йил январь-март якунлари бўйича аҳоли жон бошига ЯҲМ 6915,2 минг сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 0,7 % га ошди.


Ўзбекистон Республикаси бўйича ЯИМ ни шакллантиришда Навоий вилоятининг қўшган ҳиссаси 7,4 % ни ташкил этди.

## Иқтисодий фаолият турлари бўйича ЯҲМ ни ишлаб чиқариш (январь-март)

	Млрд.сўм		2018 йил январь-мартга нисбатан, % да
	2018 йил январь-март	2019 йил январь-март	
<b>I. ЯҲМ</b>	<b>4196,3</b>	<b>6784,5</b>	<b>102,5</b>
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	4054,0	6515,0	102,5
Маҳсулотларга соф солиқлар	142,2	269,5	102,4
<b>II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>4054,0</b>	<b>6515,0</b>	<b>102,5</b>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	515,0	613,5	102,5
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	2797,9	4976,4	102,5
саноат	2643,6	4704,9	100,1
қурилиш	154,3	271,5	142,7
Хизматлар	741,2	925,1	102,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	203,8	238,9	103,2
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа	143,1	146,0	95,9
бошқа хизмат	394,3	540,2	104,3

Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯҲМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,5 %, (ЯҲМ таркибидаги улуши – 9,4 %), саноат -100,1 % (72,2 %) савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,2 % (3,7 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 95,9 % (2,2 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 104,3 % (8,3 %) ни ташкил этди.

### 2019 йилнинг январь-мартда ЯҲМнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари.




### Иқтисодий фаолият турлари

Худуд иқтисодиётининг барча тармоқларида яратилган ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) ҳажми умумий ЯҲМнинг 96,0 % ни, маҳсулотларга соф солиқлар эса 4,0 % ни ташкил этди.


Саноат (қурилишни қўшган ҳолда) ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркибидаги улуши 7,4 % пунктга кўпайди ва ҳисобот йилида 76,4 % ни ташкил этди. Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ЯҲМ таркибидаги улуши 2019 йилнинг январь-мартда 9,4 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (12,7 %) билан таққосланганда 3,3 % пунктга, Хизматлар соҳаси 14,2 % ни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даври (18,3 %) билан таққосланганда 4,1 % пунктга камайди.

### Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар бўйича таркиби (жамига нисбатан фоизда):

2018 йил январь-март



2019 йил январь-март




- Маҳсулотларга соф солиқлар
- Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати
- Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги
- Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)
- Хизматлар

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯҲМ таркибидаги улуши 3,7 % ни (2018 йил январь-мартда 5,0 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа – 2,2 % ни (3,5 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар – 8,3 % ни (9,8 %) ташкил этди.

**Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби  
(жамига нисбатан фоизда):**

**2018 йил январь-март**



**2019 йил январь-март**



- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

**Статистика фаолиятини ташкил этиш ва  
йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими  
Нашр учун масъул: А.Қўлдошев  
Тел: (0371) 230-84-33**